

---

## Ўзбекистон туманилик услубчи “Йилнинг яхши тарбиячиси-2024” танловида ғолиб деб топилди

Пойтахт Тошкентда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “Йилнинг энг яхши тарбиячиси-2024” касбий кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танлов олтита номинация - “Энг яхши методист”, “Йилнинг энг фидокор тарбиячиси”, “Энг яхши ижодкор-ихтирочи тарбиячи”, “Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи”, “Энг яхши эко-тарғиботчи тарбиячи” ва “Янги Ўзбекистонда янги авлод болаларини маънавий камолотга етакловчи энг яхши тарбиячи” бўйича ташкилланди.

Унда иштирок этган Ўзбекистон туманидаги 2-давлат мактабгача таълим ташкилоти методисти Лазизахон Халилова “Энг яхши методист” йўналиши ғолиблигига сазовор бўлди.

Таъкидланишича, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг инновацион фаолиятини қўллаб қувватлаш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, педагог кадрлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган кўрик танловнинг республика босқичида ҳудудий синовларда энг яхши натижа қайд этган 80 нафардан зиёд иштирокчилар қатнашган.

2024-07-27 17:15:32